



140704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-и
Тел.: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

140704, г.Иштихан ул. Иштиханская д.4,
Тел.: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

2018 у.г «12» март

№ 754-к

Иштихон ш.-г.Иштихан

Тумандаги “Кўтарма” МФЙ ҳудудидаги “Кўтарма” массиви ҳудудидан фуқаро Насирдинов Фахриддинга “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси” қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сонли “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Иштихон тумани “Хумо” МФЙ ҳудудидаги “Чайжавул” қишлоғида яшовчи фуқаро Насирдинов Фахриддиннинг Иштихон тумани “Кўтарма” массивида қурилган арзон уй-жойлар бош режасига мувофиқ қурилиши режалаштирилган “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси” қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини, вилоят экологик экспертизасининг 2018 йил 7 мартдаги 350-сонли хулосасини туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг 2018 йил 9 мартдаги 12-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Табиатни муҳофаза қилиш 2018 йил 7 мартдаги 350-сонли “Давлат экологик экспертизаси хулосаси” маълумот учун қабул қилинсин ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг 2018 йил 9 мартдаги 12-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Насирдинов Фахриддинга “Кўтарма” МФЙ ҳудудидаги “Кўтарма” массивида 2017 йил намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар ёнида бўш турган туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонидан “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси” қуриш учун 0.07 га ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Насирдинов Фахриддинга белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш, тегишли ташкилотлардан руҳсат олингандан сўнг, қурилиш ишларини амалга ошириш ва объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Аstonов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов